

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНОВ МУХТОРЖОН УМАРОВИЧ

**“БОБУРНОМА”ДАГИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ
ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

УЎК: 811.512.133-112

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Амонов Мухторжон Умарович

“Бобурнома” даги изофий бирикмаларнинг лисоний

тадкики..... 3

Амонов Мухторжон Умарович

Лингвистическое исследование изафетных конструкций в

«Бабурнаме»..... 25

Amonov Mukhtorjon Umarovich

Linguistic study isaphetic constructions in “Baburname”..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНОВ МУХТОРЖОН УМАРОВИЧ

“БОБУРНОМА”ДАГИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ
ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2019.4 PhD/Fil 024 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёрқин Раҳмоналиевич
филология фанлари доктори, катта илмий ходим

Алимова Холида Зикриллаевна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.ru.)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-02

Диссертация автореферати 20__ йил “__” _____ куни тарқатилди.
(20__ йил “__” _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

И.Ҳожалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ҳар бир миллий тилнинг мумтоз намуналари бўлган қадимги ёзма ёдгорликлар тилини илмий асосда ўрганиш, уларнинг мазмунини бугунги авлодларга аслидагидек етказиш, ҳар қандай тил ҳодисасини тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш, бирламчи манбаларга асосланиш, тил тараққиётининг турли даврларида яратилган ёзма ёдгорликлар тилини қиёслаш асосида улар орасидаги умумий ва фарқли хусусиятларни аниқлаш муҳим вазифалардан бири саналади.

Дунё тилшунослигида ўзлашмалар масаласи тилнинг лексик қатламлари, соҳавий лексикография, таржима назарияси, чоғиштира тилшунослик, этнолингвистика, лингвокультурология каби соҳалар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Ижтимоий тараққиётни кўрсатиб берувчи муҳим восита бўлган луғат таркибининг доимий ўзгарувчан характерга эгаллиги эса бу соҳадаги изланишларнинг давомийлигини таъминлайди. Жумладан, тарихий асарлардаги ўзлашма сўзлар, лексик birlikлар ва грамматик воситалар тил сиёсатининг асосий йўналиши сифатида ҳар қандай даврда зарур ижтимоий масалалардан ҳисобланади.

Мустақилликдан кейин илм-фаннинг барча соҳалари қаторида ўзбек тилшунослигида ҳам туб ўзгаришларга замин яратилди. Миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тилимиз тарихи, хусусан, буюк давлат арбоби, салоҳиятли саркарда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини тилшунослик нуқтаи назаридан чуқурроқ тадқиқ қилишга киришилди. Бу ҳолатни кейинги йилларда ўзбек тили тарихини ўрганишга оид изланишларнинг янги босқичга кўтарилгани, “Бобурнома” асарини муайян тузатишлар билан қайтадан нашр этилаётгани, асар устида олиб борилаётган кенг кўламдаги тадқиқотларда кузатиш мумкин. Шу билан бир қаторда, тилшуносликда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги изофий бирикмалар ҳозиргача монографик миқёсда махсус ўрганилмаган. Айни дамда юртимизда “...матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий - маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани”¹ бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бобур ижодий мероси, жумладан, «Бобурнома»ни ўрганиш, асарнинг таянч манбаларини аниқлаш ва оммалаштиришда хорижлик олимлар Д.Витсен, Л.Эрскин, А.Кайзер, Паве де Куртейл, Л.Кинг, А.Бевеиж, Р. Калдекот, Ф.Талбот, Э.Мано, Махлуф Магда, Р.Арат, М. Ёрқин, Ш.Ёрқин, Г.Благова² каби таржимон ва тилшуносларнинг, ўзбек олимлари А.Фитрат, П.Шамсиев, С.Мирзаев, Ҳ.Ёқубов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, С.Азимжонова, Ғ.Саломов, Н.Комилов, С.Ҳасанов, А.Абдуазизов, Н.Отажонов, Ҳ.Қудратуллаев, Ҳ.Болтабоев, Қ.Эргашев, Ғ.Сотимов, А.Мадраимов, А.Иброҳимов,

² Бобур Заҳириддин Муҳаммад. “Бобурнома”. Ҳиндистон императори томонидан чигатой туркий тилида ёзилган ҳамда Ж.Лейден ва В.Эрскинлар томонидан инглизчага ўғирилган. —Лондон, 1826; Бобур З.М. “Бобурнома”. Инглизчадан А.Кайзер таржимаси.—Лейпциг, 1828; Паве де Куртейл. Бобурнинг эсдаликлари. —Париж, 1871; “Бобурнома”. Ҳиндистон императори Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз қўли билан чигатой ва туркий тилда ёзган хотиралари. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар таржима қилган. Льюкас Уайт Кинг шарҳлаган ва тўлдирган.1921; Бевеиж А.С. “Бобурнома” (инглиз тилида).—Лондон, 1921; Beveridge, Annette S. The Babar-Nama: Being the Autobiography of the Emperor Babar the Founder of the Moghul Dynasty in India< written in Chagatay Turkish; now reproduced in Facsimile from a Manuscript Belonging to the late Sir Salar Jang of Haydarabad, and edited with a Preface and Indexes/ London.1905. 371 p; Калдекот Р.М. Бобур ҳаёти (Ҳиндистон императори). Қисқартирилган таржима.—Лондон, 1845(инглиз тилида); Талбот Ф.Ж. Ҳиндистон императори Бобурнинг эсдаликлари. Қисқартирилган таржима.—Лондон, 1879(инглиз тилида); Eiji Mano. Babur-nama (Vaḡayī). Critical Edition Based on Four Chaghatay Texts with Introduction and Notes, Kyoto, Shokado, 1995; Махлуф Магда. “Бобурнома”нинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни // Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. —Тошкент, 2008. — Б. 28-29; — Б. 90-91 (English); Reşid Rahmeti Arat. Gazi Zahiruddin Muhammed Babur. Sekayi. —Ankara, 1987; Ёрқин М.Х, Ёрқин Ш. Бобур мангулиги // Афғонистон миллий исломий жунбуши. —Шибирғон, 1993; Благова Г. О характеристике грамматического строя (морфологии) староузбекского литературного языка конца XV века по «Бабур-наме». Дисс. ...канд. филол. наук. —Москва, 1954.

Х.Назарова, З.Холмонова, М.Собиров, М.Абдуллаева, З.Тешабоева³ларнинг хизмати катта.

Шунингдек, тадқиқот ишининг субъектини ташкил қилувчи ўзбек тилидаги форсий, арабий ўзлашмалар, грамматик воситалар ва сўз бирикмаларини ўрганиш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. Бу йўналишдаги дастлабки ютуқлар Ф.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида ўз аксини топган бўлса⁴, кейинчалик бир қатор таниқли олимларнинг жумладан, Д.Эшондадаев, М.Юсупов, Т.Раҳмонов, Б.Эшонқулов, Д.Ҳакимов, Г.Казакбаева, Д.Ҳасанова, М.Абдулқодир, Н.Рашидова, Н.Сулаймонова⁵ларнинг илмий ишлари ва мақолаларида ҳам шу соҳанинг айрим муаммолари ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тили тарихи масалалари» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Бобурнома”да қўлланилган изофий бирикмаларни мазмуний, грамматик ва функционал жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагича белгиланди:

³ Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. — Тошкент, 1928; Бобур. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчилар С.Азимжонов, А.Қаюмов) —Тошкент, 1958; Бобур. Асарлар (Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев). 3 жилдли. — Тошкент: Фан, 1965-66; Бобур. Бобурнома (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). —Тошкент, 1960; Ҳасанов С. “Бобурнома” нашрларидаги арабий истилоҳлар таҳлили. — Тошкент, 2010; Хайридин Султон. Бобурийнома.—Тошкент, 1996; Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажон Н. Жаҳонгашта “Бобурнома” —Тошкент, 1996; Отажон Н. “Бобурнома”—жаҳон кезади. —Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984; Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. —Тошкент, 1997; Холмонова З. Бобурнома лексикаси. — Тошкент: Фан, 2007; Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг киёсий таҳлили асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. — Тошкент, 2002; Абдуллаева М. Тарихий насрий асарлар бадииятининг киёсий таҳлили (“Бобурнома” ва “Шажарайи турк” мисолида). Филол. фан. номз. ...дисс. — Тошкент, 2008; Тешабоева З. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бириклар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. — Тошкент, 2017.

⁴ Абдуллаев Ф. Арабизми в узбекском языке: Дисс ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1945.

⁵ Абдуллаев Ф, Эшондадаев Д. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, №1. —Б. 40-45; Юсупов М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи. Дисс. ...канд. филол. наук. —Ташкент, 1984; Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар. Филол. фан. номз. ... дисс. — Тошкент, 1994; Эшонқулов Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида арабий луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик ассимиляция муносабати. Филол. фан. номз. ... дисс. — Тошкент, 1996; Ҳакимов Д. Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, №4. — Б.63-67; Казакбаева Г. Арабизми в узбекском языке в прикладном и теоритическом аспектах. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. —Москва, 2012; Ҳасанова Д. Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимидаги ўрни. Филол. фан. номз. ... дисс. — Тошкент, 2011; Абдулқодир М. Процессы освоения арабской лексики в разноструктурных языках (на материале таджикского языка Таджикистана и узбекского языка Афганистана). Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. — Душанбе, 2016; Рашидова Н. Ўзбек тилида таълим соҳасига оид арабизмларнинг ўрни // Сўз санъати журнали, 2019, №4. —Б. 39-45; Сулаймонова Н. “Асосу-л-балоға” асарининг араб луғатшунослиги ривожидан тугган ўрни // Сўз санъати журнали, 2019, №4. —Б. 46-50.

сўз ва сўз бирикмаларини ўзлаштириш ҳодисасининг ижтимоий ва маданий асосларини белгилаш;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари тадқиқи асосида ўзбек тили луғат таркибидаги арабча ва форс-тожикча изофий бирикмалар ҳақидаги хулосаларни умумлаштириш;

“Бобурнома” асаридаги изофий бирикмаларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш;

“Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг ҳозирги ўзбек тилида қўлланиш даражасини аниқлаш;

“Бобурнома” асаридаги изофий бирикмаларнинг морфологик шаклланишини таҳлил қилиш;

“Бобурнома” асаридаги изофий бирикмаларнинг транслитерациясидаги фарқли жиҳатларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида қўлланилган изофий бирикмалар.

Тадқиқотнинг предмети Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида қўлланилган арабча, форс-тожикча изофий бирикмаларнинг лексикографик, тарихий-этимологик, лексик-семантик ва статистик хусусиятлари таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёслаш, таснифлаш, лексикографик, семантик-стилистик ва социолингвистик, шунингдек, лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот асосан диахрон аспектда олиб борилди. Зарур ўринларда синхрон аспектга ҳам мурожаат этилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек тили луғат таркибидаги изофий бирикмаларнинг семантик, лексик ва стилистик хусусиятлари очиб берилган;

асарда ўрин-жой, пайт, сабаб, белги-хусусият, шахс, ҳайвонот ва наботот маъноларини ифодаловчи изофий бирикмалар мавзуй гуруҳлари мавжудлиги асосланган;

икки отнинг бирикувидан ҳосил бўлган ҳамда ҳақиқий изофа деб номланадиган арабча изофа билан бир қаторда *азимуш-шаън*, *қуттоут-тарийқ*, *азимул-жусса* каби шаклий изофалар ҳам мавжудлиги исботланган.

“Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг ҳозирги ўзбек тилида қўлланиш даражаси, аслият билан мутаносиблиги, ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетганлик ҳолатлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома”да қўлланилган арабча, форс-тожикча изофий бирикмалар, уларнинг айримлари ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққанлиги, изофий бирикмалар тараққиётида рўй берган семик ўзгаришлар, ўзлашма сўзлар ва луғавий бирликларнинг семантик-структур тузилиши, сўз ва грамматик воситалар ўзлашиши билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосаларнинг ўзбек лексикографияси учун муҳим илмий-

назарий маълумот бериши, шу соҳа юзасидан яратиладиган қўлланмалар ва луғатларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

“Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг этимологик хусусиятлари аниқланган, уларнинг аслият билан семик мувофиқлиги очиб берилган;

Диссертация материаллари шарқшунос, туркийшунос тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба сифатида дарслик ва ўқув қўлланмаларини мукаммаллаштиришга хизмат қилган;

диссертация материалларидан таржима ва этимологик луғатлар яратиш, автоматик таржима муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, таҳлилга тортилган материаллар эски ўзбек адабий тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукаммаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти лексикология, лексикография, семантика, семасиология соҳаларининг назарий масалалари, ўзбек лексикографиясининг тарихий тараққиётини изоҳлаш билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, луғатшунослик, тилшунослик, матншунослик, манбашунослик йўналишларида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади. Диссертация материаллари «Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек, араб, форс тиллари)» таълим йўналишлари ҳамда «Мумтоз филология», «Лингвистика (ўзбек, араб, форс тили)» мутахассисликларида махсус курс сифатида ўқитилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан ўзбек тилшунослиги тарихи, адабий тил тарихи, ҳозирги ўзбек адабий тили, туркий филологияга кириш, туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси, араб тили, форс тили, матншунослик, манбашунослик каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, идеографик, таржима ва этимологик луғатлар яратишда фойдаланиш мумкин. Диссертация ишига илова қилинган изофий бирикмалар таржима ва изоҳларидан ўзбек тилининг изоҳли ва этимологик луғатларини тўлдириш ва мукаммаллаштиришда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

“Бобурнома” асаридаги изофий бирикмалар тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

“Бобурнома”даги луғавий-изофий бирикмалар, уларнинг миллий-маданий, семантик ва грамматик хусусиятлари билан боғлиқ натижалардан 2017-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги ОТ-Ф1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва

амалий такомиллашуви” номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 06.02.2020й. даги 89-03-526-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида чоп этилган “Шахс ва кадриятлар” номли монографияда ифодаланган лексик бирликларнинг лингвистик табиатини мувофиқлаштиришга, зарурий ўринларда бу луғавий бирликларнинг этимологиясини аниқлашга эришилган.

“Бобурнома”даги изофий бирикмалар, уларнинг ижтимоий-худудий, географик ва топонимик жиҳатлари билан боғлиқ натижалардан 2013-2014 йилларда бажарилган И-2013 57 рақамли “Ижтимоий экология муаммолари” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 06.02.2020й. даги 89-03-526-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий экология тушунчалари, географик-худудий номларни далиллашда самарага эришилган.

Диссертация иши натижаларидан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2017-2020 йилларда «Замондош», «Адабий муҳит», «Маънавият –қалб кўзгуси», кўрсатувларида ҳамда «Маънавият», «Зиё масканларида» номли радиоэшиттиришларида кенг фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 январдаги 32-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 4 та ҳамда 7 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 18 та илмий иш нашр этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 154 саҳифани ташкил этган бўлиб, кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси,

нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек тили лексикасидаги изофий бирикмалар**» деб номланган бўлиб, унда дастлаб араб, форс-тожик ва туркий изофий бирикмалар, уларнинг тадқиқи борасида сўз юритилади.

Бугунги ўзбек тилшунослигининг етук намояндаси, профессор Н.Махмудов шундай қайд қилади: “National Geographic” жамияти томонидан ташкил этилган экспедиция яқинда Ҳиндистонда аввал фанга маълум бўлмаган коро тилини аниқлади ва бу тилни дунёдаги 6909-тил сифатида қайд этди (“Ишонч” газетаси, 2010 йил 7 октябрь). Таъкидлаш лозимки, ер юзидаги ана шундай катта миқдордаги тиллар орасида биронта ҳам мутлақо соф тил йўқ. Ҳамма замонларда бир тилдан бошқасига муайян миқдорда сўз ўтиб турган”⁶.

Ўзбек тили луғат таркибида арабча ўзлашмалар салмоқли ўринни эгаллайди. Халқлар ўртасидаги маданий, илмий, ижтимоий-сиёсий ва савдо алоқалари уларнинг тилларида ҳам ўз аксини топади. Маълумки, ўрта асрларда шарқда араб тили, ғарбда эса юнон, лотин тиллари илм-фан тили сифатида машҳур бўлган. Ўзбек тили лексикасининг ҳам маълум қисмини арабча сўзлар ташкил қилган. Араб тили нафақат ўзбек тилига, балки ислом динини қабул қилган барча халқлар тилига кучли таъсир кўрсатган.

Арабча ўзлашмалар туркий тиллар лексикасида ҳам фаол қўлланилади. Туркий тиллар луғат таркибининг 30-35 %ини араб сўзлари ташкил қилади⁷. Қардош туркий халқлардан турк, бошқирд, татар, кумик, озарбайжон, гагауз тилларидаги арабча ўзлашмаларнинг лексик-грамматик, фонетик-морфологик, лексик-семантик ўзгаришларга учраши таниқли тилшунос олимлар томонидан ўрганилган⁸.

Ўзбек тилига арабча ўзлашмалар ва грамматик элементлар дастлаб халқни исломлаштириш натижасида кириб келган. VIII-XV асрларда улкан халифалик давлатининг барпо этилиши ва Марказий Осиё халқларига ислом цивилизацияси кириб келиши натижасида бошқа тиллар қаторида ўзбек тилига ҳам арабизмлар ўзлашишига қулай шароит яратилди. Бугунги кунда

⁶ Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz soʻz. – 2017. –Б.152.

⁷ Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. –Тошкент: Фан, 1982. –Б.40.

⁸ Майзель С. Арабские и персидские элементы в турецком языке. –Москва, 1945; Иванов С. Арабизмы в турецком языке. –Ленинград, 1973; Сиразиев И. Арабский пласт лексики современного татарского литературного языка. дисс. ... канд. филол. наук. –Казань, 2002; Забитов С. Арабские заимствования в лексико-семантической системе восточнокавказских языков. дисс. ... док. филол. наук. – Москва, 2001; Экба З. Арабские и персидские заимствования в башкирском языке. Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2001; Муртазалиева Л. Функциональные особенности арабских лексем в кумыкском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2012; Сычева В. Арабские и персидские лексические заимствования в гагаузском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Москва, 1972; Дмитриев Н.К. Арабские элементы в башкирском языке. //Тезисы Коллегии востоковедов при Азиатском музее АН СССР. Т. 5. –Л., 1930. – С. 60; Зубаирова И. Арабские заимствования в литературоведческой терминологии башкирского языка // Научно-методический электронный журнал “Концепт”.—2016, №11. –С.1796-1800; Юсупова А. Арабо-персидские заимствования в двуязычных словарях татарского языка XIX века: К проблеме языковых контактов // Ученые записки Казанского университета. — 2007, Том №149, кн.№4. – С.55-63; Ж.Есеналиева. Особенности употребления арабизмов и фарсизмов в произведениях Абая. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алмааты, 1993.

Ўзбек тили лексикасида арабча ўзлашмалар 20 % ни ташкил этади.

Арабча ўзлашмалар кишилиқ жамияти ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларига кириб келган:

- а) касб-корга оид сўзлар: - *табиб, косиб, амир, ҳоқим*;
- б) диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: - *ақиқа, қироат, имом, аза, азон, ажал, асроил*;
- в) маиший мавзудаги сўзлар: *ассалому алайкум, салом, алалхусус, хусусан, аксар, айнан, аввал, барака, маъно, балогат, бадан*;
- г) тилшунослик, шеърят, бадиий адабиёт, ижтимоий фанларга оид лексика: *кофия, рукн, байт, сокин, мисра, шеър, шоир, дорулфунун, аруз, вазн, фалсафа, миллат*;
- д) шахснинг ҳис-туйғуси, эмоционал ҳолати билан боғлиқ лексик бирликлар: *айёр, азоб, азият, азиз, ажаб, азамат* каби.

Ўзбек тили лексикасида арабча ўзлашмаларни тадқиқ этиш ХІ асрлардаёқ бошланган. Маҳмуд Кошғарийнинг “*Девону луғотит - турк*” асари туркологиядаги дастлабки лексикографик асардир⁹. Араб ва туркий тилни қиёслаб ўрганилган дастлабки манбалардан бири Маҳмуд Замахшарийнинг арабча-туркийча луғати “*Асосул-балоза*” ва арабча-ўзбекча-форсча-мўғулча луғати “*Муқаддиматул-адаб*” дир. ХІІІ асрда туркий тилларнинг изоҳли луғати “*Аттуҳфатуз-закийяту фил-луғат-ит-туркийя*” яратилди. Алишер Навоий қаламига мансуб “*Муҳокаматул-луғатайн*”, араб тилининг изоҳли луғати “*Сабъату абхур*” шулар жумласидандир. Ҳозирги ўзбек луғатчилигининг йирик вакили А.Мадвалиевнинг таъкидлашича, бобурийлар даврида бадиий адабиётда ўзбек (туркий) тилининг роли катта бўлди. Ҳиндистонда бобурийлар ўз она тилларини сақлаб қолишга, уни ўз авлодларига ўргатишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай эҳтиёж турли луғатларнинг яратилишини тақозо қилган. Бобурий ҳукмдорлардан Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб саройида хизмат қилган Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “*Келурнома*” деб номланган луғати айна шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир¹⁰.

Ҳозирги ўзбек тили лексикасидаги арабча ўзлашмаларни ўрганишни Ф. Абдуллаев бошлаб берди¹¹. ХХ аср 80-йилларида М.Юсупов ўзбек тили лексикасидаги арабча изофали бирикмаларнинг турларини Алишер Навоийнинг насрий асарлари мисолида ўрганган бўлса, 90-йилларда Т.Раҳмонов ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришларни, ўзлашмаларнинг семантик кенгайиши ва семантик жиҳатдан торайиши, узоқлашуви ва зидлашувини, Б.Эшонқулов эса ҳозирги ўзбек адабий тилида арабий луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик ассимиляцияга муносабатини тадқиқ қилган.

⁹ Казакбаева Г. Арабизмы в узбекском языке в прикладном и теритическом аспектах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2012. — С. 4.

¹⁰ Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. — Б. 158.

¹¹ Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке: Дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1945

Изофий бирикма мустақил маънога эга бўлган икки ва ундан ортиқ лексик бирликдан ташкил топишига кўра сўз бирикмасига, ана шу бирликлар ўзаро бирикиб, янги луғавий маъно ифодаланиши ва гапда бир синтактик вазифада келишига кўра қўшма сўзларга ўхшаб кетади. Изофий бирикма таркибидаги бирликларнинг аниқланмиш ва аниқловчи ёки қаралмиш ва қаратқич тарзида жойлашуви ҳамда улар ўртасида товуш ортиши(изофа) ҳодисасининг юз бериши изофий бирикмаларнинг сўз бирикмаси ва қўшма сўзлардан фарқланувчи асосий хусусиятларидан биридир. Араб ва форс тилларидан ўзлашган изофий бирикмалар ўзбек тили учун тил ҳодисаси бўлиб, заруратга кўра янги изофий бирикмалар ҳосил қилинмайди, улар, кўпинча, тайёр луғавий бирлик сифатида мавжудлиги билан сўзга яқин туради ва луғатларда лисоний бирлик сифатида акс этади.

Ўзбек тилшунослигида форс-тожик изофий бирикмалари нисбатан чуқурроқ ўрганилган¹². Арабча изофий бирикмалар эса нисбатан кам ўрганилган. Тадқиқотчи М. Юсупов ўзининг “Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи” мавзусидаги номзодлик ишининг 3-бобини арабча изофа тадқиқига бағишлаган¹³. Ф.Абдуллаев ва Э.Бегматовлар бу масалага қисман тўхталганлар¹⁴. Тилшунос Д.Ҳақимов “Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими” номли мақоласида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги арабча изофалар ва уларнинг имлосига эътибор қаратади¹⁵.

Адабий тилда қўлланишига кўра арабча изофий бирикмалар фаол, кам учрайдиган, қўлланма сўзлар тарзида уч жиҳатдан тасниф этилади. Киши исмлари, асар, жой, нарса ва маросим номлари, сифат кўрсаткичи ҳамда сўзлашув нутқида оид изофий бирикмаларнинг кўпчилиги ўзбек адабий тилида барқарор, фаол қўлланади. Тарихий-илмий маънога эга бўлган *байтулмол*, *доруссалтанат*, *илмун нуҷум* каби изофий бирикмалар адабий тилда нисбатан чегараланган, кам қўлланади. Ҳижрий қамарий йилнинг ой номлари ҳамда айрим сура ва оятларнинг номлари, шунингдек, сифат кўрсаткичи ҳамда сўзлашув нутқида оид бўлган *байтулҳазон*, *дорулҳарб*, *дорулислом*, *жомиулулум* каби бирикмалар махсус олинган матн таркибида қўлланма сўз сифатида келади. Морфологик жиҳатдан арабча изофий бирикмалар, асосан, от ва қисман сифат (*байналмилал*, *доруломон*, *жамулжам*) сўз туркумларига мансуб бўлиб, гапда от ва сифатга оид синтактик вазифаларни бажаради. Ўзбек тилида арабча изофий бирикмалар

¹² Абдуллаев. Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади. Тошкент: Фан, 1974; Абдуллаев. Ф, Эшондаев. Д. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, №1. — Б. 40-45; Чориев Т. “Садди Искандарий”да форсий изофалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, № 6. — Б.54-56.

¹³ Юсупов. М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Наваи. Дисс. ...канд. филол. наук. —Ташкент, 1984.

¹⁴ Бегматов. Э. Ономастик сўз яшаш масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965, № 3, — Б. 53-54 бетлар; Абдуллаев. Ф. Киши отларини қискартириш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, № 3, — Б.34-39; Жўраев. Б. Ж., Бегматов. Э.А. Атоқли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, №2.

¹⁵ Ҳақимов. Д. Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, № 4. — Б. 63-67

асл ҳолича, яъни арабча изофий бирикма ҳамда ўзбекча калька ва форс-тожик изофий бирикмасига айланган вариантлар шаклида қўлланади.

Ўзбек тилидаги форс-тожик ўзлашмалар, хусусан, изофий бирикмалар ҳақида таниқли ўзбек олимлари А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, К.Юсупов, Ф.Абдуллаев, Т.Раҳмоновларнинг илмий асарларидан, Д.Эшондадаев, Т.Чориев, М.Зокировларнинг илмий мақолаларидан тегишли маълумотлар олиш мумкин¹⁶. Ўзбек тилининг илмий грамматикасида форс-тожик изофий бирикмалари таҳлилига ажратилган ўрин кам. М.Юсупов изланишларида Алишер Навоий насрий асарларидаги форс-тожик изофаси тадқиқига ҳам эътибор қаратган. Эски ўзбек ёзуви дарсликларида изофий бирикмаларни ўргатиш ҳақида мавзулар киритилган¹⁷.

Тарихий ёзма манбаларда форс-тожик изофий бирикмаларининг ҳажми, миқдорий нисбати кўп бўлиб, жумладан, Алишер Навоий асарлари тилида унинг қўлланиш доираси анча кенг бўлган. Навоийнинг илк замондошларидан Лутфий, Атоий, Саккокий каби шоирларнинг асарлари тилида тожикча изофий бирикма нисбатан кам учрайди: *закоти хусн, Лутфийи мискин* (Лутфий); *равзаи ризвон, чашмаи ҳайвон* (Атоий). Алишер Навойдан сўнг яшаб ижод этган шоирлар асарлари тилида ҳам форс-тожик изофали бирикмаларининг қўлланиш ҳажми, миқдорий нисбати Лутфий, Атоийлардан келтирилган мисоллардаги каби, лекин Навоий асарлари тилида қўлланилган форс-тожикча изофанинг миқдорига қараганда назмий асарларда анча кам.

Шуниси характерлики, XVI аср ёдномаси “Бобирнома” асарида форс-тожикча изофа жуда кам қўлланади. Умуман, бу хил изофанинг қўлланиши тобора камайиб боради (ҳатто назмий-поэтик асарларда ҳам кам ишлатила боради). Фақат кўшма сўзга айланиб, яхлит бир бирикма деб тушуниладиган айрим форс-тожикча изофалар сақланади, холос: *Қутби шимали, Дашти қипчақ (Шажараи тарокима); аъзойи бадан, қатъи назар, аҳли аёл, гули раъно (ҳозирги замон тилида)*¹⁸.

Ғ.Абдурахмоновнинг таъкидлашича, қадимги туркий тилда форс-тожикча ёки арабча изофалар учрамайди. Фақат тожикча изофага ўхшаш бирикмалар борки, улар кейинги даврларга оид ёзма ёдгорликларда бутунлай учрамайди: *Улугъи хатун-хотинлар улуги; сынари будун-халқнинг ярми* каби.

¹⁶ Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент: Фан, 1974; Ишандадаев Д. Некоторые особенности словообразования в таджикских и узбекских говорах Наманганской группы районов. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1967.; Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? Тошкент, 1974. – Б.20-26; Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Абдуллаев. Ф, Эшондадаев. Д. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, №1. – Б. 40-45; Чориев Т. “Садди Искандарий”да форсий изофалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, №6. — Б.54-56.

¹⁷ Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. –Тошкент: Ўқитувчи, 1989. — Б.132-135.

¹⁸ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973.— Б.253.

Ўзбекларнинг ёзма, оғзаки нутқида ишлатиладиган форс-тожик изофий бирикмаларининг анчагина қисмида озми-кўпми фонетик ўзгаришлар содир бўлган:

а) бирикма компонентларини бир-бирига боғловчи изофа *-и/йи* тушиб қолган: *гултожсихўроз* < *гули тожи хўрус, жойнамоз* < *жойи намоз, чойшаб* < *жойишаб, бозоршаб* < *бозори шаб, ҳолвайтар* < *ҳалвойи тар, астойдил* < *аз таҳи дил, шўрпешона* < *шўри пешона, соҳибжамол* < *соҳиби жамол, хотиржам* < *хотири жам, саҳар мардон* < *саҳари мардон* ва бошқалар;

б) параллел шакллар сифатида иккаласи ҳам ишлатилади: *аксарвақт*—*аксаривақт, нон-насиба*—*нонинасиба, соҳибжамол*—*соҳибижамол, рўйирост*—*рўйрост* ва шу кабилар;

в) ўзлашган форс-тожик изофий бирикмаларида айрим фонетик шароитларда (элизия хавфи, ундошларнинг қатор келишидан қочиш ва ҳоказо) табиий суратда форс-тожик изофаси *-и/йи* сақланади. Маълум миқдордаги бирикмалар ёзма адабий тил маҳсули бўлиб, жонли тилда кам учрайди: *фасли баҳор, боғи эрам, аҳли аёл, хуришиди тобон, толиби илм, балойи ногаҳон, аҳли раста* ва бошқалар;

г) сўзловчи компонентларнинг қайси сўз туркумига алоқадор эканлигини, табиий, яхши билмайди. Формал-грамматик жиҳатдан тожикча изофий бирикмаларнинг компонентлари куйидаги учта асосий туркумга—от, сифат, сифатдош категорияларига алоқадор бўлади: *мардимайдон, таржимаиҳол* (от+от), *ҳалвойи тар, жаноби олий* (от+сифат), *булбули гўё, оби равон, хуришиди тобон* (от+сифатдош). Бошқа сўз туркумларининг иштирокида ясалган сўз бирикмалари жуда ҳам оз учрайди. Бундан ташқари, сўз бирикмаси таркибий қисмининг яхши уқилмаслиги компонентлар ўртасидаги грамматик муносабатни ўзгартириб юборган: *аксари вақт*—*вақтнинг кўп қисми* демакдир, лекин жонли тилда бу бирикма маъно жиҳатдан *кўп вақт* иборасига тенг бўлиб қолган.

Туркий тилларда ҳам изофа ҳодисаси кузатилади, фақат у *изофа* атамаси билан берилмайди. Туркий тилларда аниқловчи ва аниқланмишнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлган бирикма изофага тенг бўлади. Бу борада ўзбек олимларидан М.Юсупов тадқиқот олиб борган. Араб тилшунослари Ўрта асрлардаёқ туркий тиллардаги аниқловчили конструкцияни изофий бирикма деб аташган. XX асрга келиб рус тилшунос олимлари, хусусан туркологлар икки отнинг бирикувини изофий бирикма деб атай бошлашди. Рус туркологларининг таъкидлашларича¹⁹, изофа бу – аниқловчили сўз бирикмаси бўлиб, туркий тилларнинг барчаси учун хос ҳисобланади.

Рус дипломати ва тилшунос олими С.Майзель 1957 йилда турк тилидаги изофанинг турлари ва табиатини ёритиб берувчи асарини чоп эттирди. Майзель ушбу асарида туркий изофа ҳар қандай икки исмнинг бирикувидан

¹⁹ Гаджиева Н. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. –Москва, 1973. – С.103.; Дмитриев Н. Строй тюркских языков. –Москва, 1962; Кононов А. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956.

ҳосил бўлмайди, балки изофий бирикма ҳосил қилиш учун бирикмадаги сўзларнинг ҳар иккиси от бўлиши лозим²⁰ дейди. Олим мазкур асарида турк изофасида бирикмадаги биринчи сўз жўналиш, тушум, ўрин-пайт, чиқиш келишикларида келиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, туркий тиллардаги изофа ҳақида рус турколог олимлари Н.З.Гаджиева, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононов²¹ ҳам туркий тиллар грамматикасига бағишланган асарларида қисман тўхталиб ўтганлар. Н.Гаджиева ўзининг 1973 йил чоп этилган “Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков” номли китобида туркий изофани учта типга ажратиб кўрсатади.

Ўзбек тилшунос олимлари Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровлар қадимги туркий тилда ва ундан кейинги даврга оид ёдгорликларда изофали сўз бирикмаси турлари ва улар англаган маънони тадқиқ этишган²². Тадқиқот объекти сифатида “Култегин шаънига ёзилган ёднома”, “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул ҳақойиқ”, “Ўрхун-Енисей ёдгорликлари” каби асарлардан мисоллар келтирилган. “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси”да изофа бирикмаси компонентларининг шаклланишига кўра уч тури кўрсатиб ўтилган. Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуровларнинг таъкидлашларича, тарихий тараққиёт жараёнида изофий бирикмани ташкил этган сўзларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маълум ўзгаришлар содир бўлган.

Қисқаси, туркий тилларда изофа ҳодисаси ёки изофий бирикма (айнан туркий изофа) мавжудлиги баҳс-мунозарага сабаб бўладиган масалалардан ҳисобланади ва юқорида номлари келтирилган турколог олимларнинг ушбу масалага қаршида умумийлик билан бирга, тафовутлар ҳам учрайди.

Диссертациянинг «**Бобурнома**»даги **изофий бирикмалар семантикаси**» дейилган иккинчи бобида асарда қўлланилган изофий бирикмалар, уларнинг семантик гуруҳлари, асарда қўлланилиб, ҳозирги ўзбек тилида истъомдан чиққан изофий бирикмалар, “Бобурнома”даги изофий бирикмаларнинг аслият билан семик мутаносиблиги хусусида фикр юритилади.

Бобур ўзининг шоҳ асари “Бобурнома”да тахминан 15 минг сўздан фойдаланган бўлиб, тушунилиши қийин, истъомдан чиқиб кетган арабча, форсча, эски ўзбекча, ҳиндча ва урдуча терминларнинг ҳаммаси бир ярим минг сўз атрофида, яъни асар лексикасининг 10 фоизини ташкил қилади.

Ўзбек олимлари томонидан “Бобурнома” асарининг тил хусусиятларини ўрганиш эса ўтган асрнинг 60-йилларида бошланди²³. Шарқшунос

²⁰ Майзель С. Изафет в турецком языке. М.—Л., 1957. —С.11.

²¹ Гаджиева Н. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М.1973. —С.108.; Дмитриев Н. Строй тюркских языков. М., 1962. —С.262; Кононов А. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956.

²² Адурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1973.— Б.250-254.

²³ Бобир. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчилар С.Азимжонова, А.Қаюмов)—Тошкент: 1958; Бобур. Асарлар (Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев). 3жилдли.—Тошкент: Фан, 1965-66; Бобур. Бобурнома (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). —Тошкент, 1960; Назарова Х. Синтаксический строй языка

Н.Солибоев “Бобурнома”да арабча синтактик бирликларнинг кўринишлари” ҳақида маълумот бериб, асардаги сарлавҳаларнинг араб тилида ва араб изофий бирикмаси шаклида берилишига ўқувчи эътиборини қаратади²⁴. Тилшунос, шарқшунос олим А.Иброҳимов томонидан “Бобурнома”даги ҳиндча сўзларнинг этимони, транскрипцияси, транслитерацияси амалга оширилган²⁵. Шунингдек, А.Иброҳимов ўзининг номзодлик ишида асарнинг инглиз, урду, ҳинд, рус тилларидаги таржималари, ўзлашма сўзлар, ҳиндустоний тили алифбосининг хусусиятлари, араб ёзувининг хусусиятлари атрофлича таҳлил қилган. Шунингдек, тилшунос ва адабиётшунос олимлар Н.Отажонов, Ҳ.Қудратуллаев, З.Тешабоева, М.Абдуллаева, Д.Хошимова, Н.Жиянова, Р.Каримов, М.Собировларнинг “Бобурнома” асари тадқиқи юзасидан олиб борган ишлари эътирофга лойиқ²⁶.

“Бобурнома” лексикасини тадқиқ қилишда профессор З.Холмонованинг хизмати беқиёс²⁷. Асар лексикасини атрофлича ва чуқур тадқиқ қилган олима арабча лексемаларнинг қадимги туркий тил даврига муносабати, эски ўзбек адабий тилига хос семантик хусусиятлари, ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати масаласини семантик ва статистик таҳлил қилган. З.Холмонова асар лексикасининг тадқиқи натижасида арабча ўзлашмаларнинг 75 фоизи ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилади²⁸ деган хулосага келган. Асарда қўлланилган арабча ўзлашмаларни эски ўзбек адабий тили даврига хос маъноларда қўлланиладиган арабча лексемалар, семантик ўзгаришлар билан қўлланиладиган арабча лексемалар, мустақил қўлланмайдиган арабча лексемаларга ажратиб таҳлил қилган. Араб тилидан ўзлашган тайёр синтактик бирликлар-изофий бирикмалар ҳақида қисман тўхталиб ўтган. Шунингдек, З.Холмонова асардаги изофали бирикмалар қўлланилиши ҳақида Х.Назаровадан ҳавола келтириб, Бобур томонидан

“Бабурнаме” Захириддина Мухаммеда Бабура. Автореф. дисс. док. филол. наук. – Ташкент, 1980; Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари.—Тошкент: Фан, 1983; Хайридин Султон. Бобурийнома.—Тошкент, 1996; Отажон Н. “Бобурнома”—жаҳон кезади. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984; Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. –Тошкент, 1997; Холмонова З. Бобурнома лексикаси. –Т.:Фан, 2007

²⁴ Солибоев Н. “Бобурнома”да арабча синтактик бирликларнинг кўринишлари // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. — Андижон, 1993. –Б.116-117.

²⁵ Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001.

²⁶ Отажонов Н. “Бобурнома”-жаҳон адабий жараёнида: қиёсий-типология таҳлил. Филол. фанл. док. ... дис. автореф. –Тошкент, 1994; Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома”нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили(Навоий, Бобир, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили асосида). Филол. фанл. док. ... дисс. – Тошкент, 1998; Тешабоева З. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. (PhD). ... дисс. – Тошкент, 2017.; Абдуллаева М. Тарихий насрий асарлар бадииятининг қиёсий таҳлили(“Бобурнома” ва “Шажарайи турк” мисолида). Филол.фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2008.; Хошимова Д. “Бобурнома” асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда “Бобурнома” танқидий матнининг япон нашрлари мисолида). Филол.фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2006.; Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фанл. док. ... дисс.– Тошкент, 2018; Жиянова Н. “Бобурнома”даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари. Филол.фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000; Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол.фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2003.

²⁷ Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. –Тошкент: Фан, 2007; Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филол. фанл. док. ... дисс. автореф.– Тошкент, 2009.

²⁸ Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. –Тошкент: Фан, 2007.—Б.53

тузилган арабча конструкциялар учрайди, дейди: *муддатул-умр, нодирул-аср, вазҳи тасмия, рубъи маскун* изофали бирикмаларини мисол келтирган.

